

ТАЛОНЧИЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИНГ САБАБЛАРИ ВА УЛАРГА ИМКОН БЕРГАН ШАРТ-ШАРОИТЛАР

Суванкулов зафар Латифович

ИИБ Академияси ТҚФ кафедраси маъсул ходими

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-моддасида: “Фуқаролар фаровонлигини оширишга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат бозор муносабатларини ривожлантириш ва ҳалол рақобат учун шарт-шароитлар яратади, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари устуворлигини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикасида барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланади. Хусусий мулк дахлсиздир. Мулкдор ўз мол-мулкидан қонунда назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари ҳамда суднинг қарорига асосланмаган ҳолда маҳрум этилиши мумкин эмас” – деб белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси”да хусусий мулк дахлсизлиги ва ҳимояси кафолатларини кучайтириш, мулккий, шу жумладан ер участкасига бўлган ҳуқуқларни сўзсиз таъминлаш, хусусий мулк устуворлигини асосий тамойил сифатида белгилаш, шу жумладан давлат идорасининг расмий маълумотида ишониб мол-мулк сотиб олган шахснинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тизимини жорий этиш каби устувор вазифалар белгилаб қўйилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз ҳисобланади.

Сўнгги йилларда мухтарам Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилган изчил ислохотлар натижасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг самарали тизими яратилди. Бу эса маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш, ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, уларни бартараф этиш ҳамда криминоген вазиятни барқарор сақлашда ижобий натижалар бермоқда.

Барчамизга маълумки, ҳуқуқбузарликни олдини олиш бўйича олиб борилаётган тизимли ислохотлардан кўзланган асосий мақсад халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашдир. Шу боис, мазкур йўналишдаги ишлар самарадорлигини ошириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини янада такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўйлаймизки, мазкур чора-тадбирларни амалиётга татбиқ этиш бевосита ушбу турдаги жиноятларнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этишга, талончилик жиноятининг барвақт олдини

олиш орқали криминоген вазиятни барқарорлаштиришга хизмат қилади.

Жиноятнинг сабаби – маълум бир объект, ҳодиса, жараёнларнинг кишилар онги, руҳиятига таъсир қилиши. Бундан ташқари, жиноятнинг сабаби фақатгина ижтимоий-иқтисодий ҳодиса, воқеа ва жараёнларгина эмас, балки уларни белгилаб берувчи, улар билан узвий боғлиқ бўлган ижтимоий онг соҳасидаги ҳодиса, воқеа ва жараёнлар ҳам ҳисобланади.

Жиноятчилик шароитлари – жиноятларни бевосита келтириб чиқармайдиган, лекин уларнинг содир этилишига кўмаклашадиган ҳодиса, воқеа ва жараёнлар мажмуи бўлиб, улар ўзича жиноятчиликни келтириб чиқармайди. Лекин, улар жиноятчиликнинг жамиятда бўлишини тақозо қилувчи, ўсишини таъминловчи сабабларга таъсир қилиш ва кўмаклашиш билан уларнинг юз беришини таъминлайди.

Таҳлилларга кўра, қуйидаги шароитлар талончилик жиноятининг содир этилишига имкон бериши мумкин:

- жиноят содир этилаётган ҳудудларнинг видео кузатув воситалари билан таъминланмаганлиги, видео кузатув воситалари профилактика инспекторларининг хоналарига тўлиқ интеграция қилинмаганлиги;
- маҳалла ҳудудида жойлашган кўп қаватли уйларнинг атрофи тунгги ёриткич воситалари билан ёритилмаганлиги ҳамда ички ишлар органлари ходимларининг йўналишли патруллик хизматида жалб қилинмаганлиги;
- кўчалар ва бошқа жамоат жойларида юришда фуқароларнинг эътиборсизлиги;
- фуқароларнинг яшаш хонадонларини, кўп қаватли уйларни қўриқловга олиш бўйича ишлар етарлича амалга оширилмаганлиги;
- якка тартибдаги тадбиркорлар, савдо шахобчалари, тикув цехлари ва устахоналарда жиноятларнинг олдини олиш бўйича тарғибот ишлари етарли даражада олиб борилмаганлиги;

Шунингдек, талончилик жиноятга ёрдам берадиган шарт-шароитлардан яна бири бу-мулкнинг етарли даражада ҳимояланмаганлиги, мулкдорларнинг бепарволиги ва мол-мулкни сақлаш борасида тегишли қоидаларга риоя қилмаганлиги сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ички ишлар органлари фаолияти тизимида мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағишланган 2017 йилнинг 15 ноябрь куни ўтказиладиган видеоселектор йиғилишида “Ички ишлар органлари шундай ишлаши керакки, токи халқ давлатдан рози бўлсин. Лекин айрим жойларда уларнинг фаолияти одамлар эътирозига сабаб бўлмоқда. Айниқса мол-мулкка жиноий тажовуз каби салбий ҳолатларга тўлиқ чек қўйилмаганлиги, хусусан мулккий турдаги жиноятлар – 19 фоизга камайишига эришилган бўлса-да, аммо ушбу турдаги

жиноятлар тўлиқ фош этилмаган” деган танқидий фикрларини билдирган эди.[1]

Айбдор, жабрланувчи ва бошқаларнинг кўз олдида ўзганинг мулкани эгаллаб олаётганлигини ва улар унинг ҳаракатларининг жиноий хусусиятини тушунганлигини англаганда, ўзганинг мулкани ошкора талон-торож қилиш талончилик ҳисобланади[2].

Талончилик жиноятларига қарши курашиш бўйича ички ишлар органларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

талончилик жиноятлари билан боғлиқ бўлган криминоген вазиятни ўрганиш, таҳлилини амалга ошириш, ушбу жиноятларни олдини олишда мавжуд куч ва воситалардан тўғри фойдаланиш ҳамда самарадорлигини ошириш;[3]

талончилик жиноятларининг олдини олиш фаолиятининг таҳлили асосида аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида ҳудуднинг дастурларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;[4]

талончилик жиноятларини олдини олиш, уларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш;

талончилик жиноятларини содир этишга мойил шахсларни аниқлаш ва уларга нисбатан якка тартибдаги профилактик тадбирларни амалга ошириш;[5]

талончилик жиноятларини содир этган шахслар ва ушбу жиноятлардан жабр кўрган шахслар ҳисобини юритиш, мазкур маълумотларнинг таҳлилини амалга ошириш;[6]

талончилик жиноятларининг олдини олишда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматининг ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари, давлат органлари ва жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорлигини таъминлаш.[7]

Олиб борилган изланиш натижаларига таянган ҳолда мамлакатимизда талончилик жиноятларининг олдини олиш, аниқлаш ва бундай ҳодисаларнинг оқибатларини бартараф этиш мақсадида қуйидаги таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

- жиноят содир этишга мойил, ҳуқуқбузарлик содир этган, шу жумладан илгари судланган, фуқароларни ташиш билан шуғулланаётган шахслар билан комплекс профилактик тадбирларни ташкил этиш;

- криминоген вазияти оғир бўлган маҳаллаларда видео кузатув воситалари ва тунги ёритиш мосламаларини ўрнатиш чораларини кўриш ҳамда ушбу видео кузатув воситаларини маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларига қарашли ички ишлар бўлимларига интеграция қилиш;

- фуқароларни талончилик жинояти қурбони бўлиб қолишининг олдини олиш мақсадида жамоат жойларида стендлар ташкил этиш, кўчаларда ўрнатилган баннерларда мазкур жиноятни олдини олишга тарғиб қилувчи

видеороликлар, плакатларни жойлаштириш;

- талончилик жиноятларининг даврий кўрсаткичлари таҳлилидан келиб чиққан ҳолда ушбу турдаги жиноятларга сабаб бўлган омиллар (шахсда ғайриижтимоий хулқ-атворнинг шаклланиши, осон бойлик орттиришга бўлган интилиш ва шу кабилар)нинг кўпайиши каби ҳолатларда аниқ чора-тадбирларни белгилаш ва амалга ошириш.[8]

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Тартиб-интизом ва масъулиятни кучайтириш, жиноятчиликнинг олдини олиш муҳитини мустаҳкамлаш – ҳуқуқбузарлик профилактикаси самарадорлигининг асосий омилидир //Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2017 йил 15 ноябрь куни ички ишлар органлари фаолияти, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишидаги нутқи: [www. uza.uz](http://www.uza.uz)

2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Ўзгалар мулкани ўғрилик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 1999 йил 30 апрель 6-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. Биринчи жилд. — Т., 2007. — Б. 222.

3. Мирзиёев Ш. М. “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2833-сонли Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори. Медицинский портал+11ejournal. tsue. uz+11bestpublication. org+11

4. “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2021 йил 2 апрелдаги ПҚ-5050-сонли қарор. ejournal.tsue.uz+4Норма+4 Олий аттестация комиссияси+4

5. “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича комиссия вазифалари белгиланди”, Kun.uz, 2017 йил 27 март. Kun.uz

6. Тошкент шаҳар ИИББ ахбороти: “Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини кучайтириш асосий вазифа”, 2022 йил 13 май. Медицинский портал+11ПВВ UZ+11Норма+11

7. Тошкент шаҳар ИИББ: “Профилактик тадбирлар жиноятчиликка қарши курашишнинг усулларида биридир”, 2024 йил 4 октябрь. Kun.uz+3ПВВ UZ+3<https://yuz.uz>+3

8. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ахбороти: “Бириктирилган ҳудудда ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича фаолиятини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низом”, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йилги қарори ва ИИБ буйруғи.